XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI

171400. Xo'jaobodshahar, Uzunko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2022 - yil 5 - noyabr VI-32-110-1-27-K/22 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод туманидаги Чироқчи маҳалла фуқаролар йиғини ва кўчалари номини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегаларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2014 йил 4 март кунги 48-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрель кунги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-350-сонли Қонунининг 5, 10, 25, 27, 31-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 21 ва 25-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи туман комиссиясининг 2022 йил 17 октябрдаги **"Хўжаобод туманидаги Чироқчи маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида"**ги йиғилиш баёни ва шу ҳақдаги, "Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими раиси"нинг 2022 йил 18 октябрь кунги № 24-сонли хати ҳамда Хўжаобод тумани Чироқчи маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаш аъзоларининг 2022 йил 17 октябрдаги "Чироқчи маҳалла фуқаролар йиғини ва МФЙ ўрамидаги кўчалар сони ва номларини ўзгартириш бўйича" йиғилиш баённомаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. **"Чироқчи"** маҳалла фуқаролар йиғинини **"Файзобод"** маҳалла фуқаролар

йиғинига ва кўчаларга “Янги замон”, “Эгамбердиобод”, “Хамза”, “Оқ бўра”, “Муқумий”, “Фаробий”, “Бешчинор” номларини бериш бўйича таклифлари ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фикрлари маъқуллансин.

3. “Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими” бошлиғи **(А.Мадрахимов)га**:

-номи ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинини қайта рўйхатдан ўтказиб, думалоқ муҳр ва тамға тайёрлашга амалий ёрдам бериш;

-ҳудудига ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Сайдолимов) зиммасига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси **У.Шукуров**